



ЖАМЛИК СУЗИ



1991 йил 1 январдан
чиқа бошлаган

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг газетаси

15 апрель, шанба, 1995 йил
Сотувда эркин нархда. № 73 (1075)

ПРЕЗИДЕНТЛАРНИНГ ЧИМКЕНТ УЧРАШУВИ

Қадим турон заминида яшаб келаётган халқларнинг ўзаро қўшничилик муносабатлари, дўстлик ва ҳамкорлиги узоқ-узоқларга бориб тақалади. Миллий мустақилликка эришган Марказий Осиё республикалари янада яқинлик ва ҳамжиҳатлик йўлини тутдилар.

14 апрель кuni Қозоғистон Республикасининг Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган Ўзбекистон, Қозоғистон ва Қирғизистон давлатлари раҳбарларининг олий даражадаги учрашуви ана шу биродарлик ва ҳамкорлик йўлидаги яна бир дадил қадам бўлди. Учрашувда Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов, Қозоғистон Республикаси Президенти Нурсултон Назарбоев ҳамда Қирғизистон Республикаси Президенти Аскар Акаев иштирок этди.

Жанубий Қозоғистон вилояти марказидаги металлургия маданият саройида уч давлат раҳбарлари ўртасида музокаралар бўлди. Президенти



Р. ЖУМАНИЕЗОВ олган суратлар.

дентлар тақдирини муштарак ва келажаги бир хил бўлган Марказий Осиё халқларининг тарихий, жўроғий, маданий яқинлиги ва тилининг умумийлигини ҳисобга олган ҳолда кўп асрлардан буён давом этаётган яхши қўшничилик алоқалари негизида ўзаро яқинлашиш жараёни қонуний ва ихтиёр тарзда давом этаётганини қайд этдилар. Шунинг баробарида, минтақадаги ҳар бир давлат ўз истиқлоли ва сиёсий мустақиллигини дадил мустақамлаётганини таъкидладилар.

Ўзаро иқтисодий интеграцияни жадаллаштириш лозимлиги айtilди. Музокаралар сўнггида ҳужжатларни имзолаш маросими бўлди. Президентлар Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси, Ўзбекистон Республикаси давлатлараро кенгаши қарорини ҳамда уч республика Президентлари учрашуви тўғрисидаги ахборотни имзоладилар. Шунингдек, Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон

давлатлари раҳбарлари Тожикистон бўйича баёнот қабул қилдилар. Президентлар Ислам Каримов, Нурсултон Назарбоев, Аскар Акаев журналистларнинг саволларига жавоб қайтардилар. Хусусан юртбошимиз Ислам Каримов 29 апрель кuni Қозоғистонда ўтадиган референдум ҳақидаги саволга жавоб берар экан, жумладан бундай деди: — МДХ давлатлари бир тузумдан бошқасига ўтиш даври қийинчиликларини бошдан

кечирётган бир паллада бизга қўшни ва қардош Қозоғистон халқининг тинчлигини, оқсоғинларини юксак қадрлаймиз. Албатта, биз қўшни давлатнинг ички сиёсатига аралашмаган ҳолда, шу мамлакат Президенти Нурсултон Назарбоев юртайтган сиёсатга Қозоғистонда истиқомат қилаётган барча миллат вакиллари аҳиллик ва холислик билан ўз фикрларини билдиришларига ишончимиз комил.

Сафар мобайнида уч қардош мамлакат раҳбарлари Чимкент шаҳридаги темирчилик-пресслаш ускуналари ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Маълумки, Чимкент Қозоғистоннинг йирик саноат шаҳарларидан бири саналади. Президентлар бирлашманинг халқ ҳўжалиги учун зарур дастгоҳ ва ускуналар ҳамда халқ истеъмоли моллари тайёрлайдиган цехларини кўздан кечирдилар. Ишчилар билан суҳбатлашдилар.

Бундан ташқари, уч республика Президентлари Чимкент автобуслар йиғиш заводида бўлиб, корхонанинг хорижий шериклар ҳамкорлигида фаолият кўрсатиш борасида амалга ошираётган ишлари билан танишдилар. Чимкент сафарига мамлакатимиз Президентига республика Бош вазирининг биринчи ўринбосари И. Жўрабеков, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Б. Фуломов, ташқи ишлар вазир А. Комилов ва бошқа расмий кишилар ҳамроҳлик қилди.

Шу кuni Ўзбекистон Республикаси Президенти Тошкентга қайтиб келди. Аэропортда мамлакатимиз раҳбарини республика Олий Мажлиси раиси Э. Халилов, Бош вазир А. Муталов, Президентнинг Давлат маслаҳатчиси Т. Алимов, Тошкент шаҳри ҳокими К. Тулаганов ва бошқа расмий кишилар кутиб олдилар. (ЎзА).

ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИДА УЧРАШУВ

14 апрель кuni республика Бош вазир ўринбосари С. Саидқосимов К. Гриффин раҳбарлигидаги БМТ миссияси аъзолари билан учрашди. Мазкур миссия республикада иқтимоий соҳада амалга оширилаётган ишлар билан яқиндан танишиш мақсадида Ўзбекистонга ташриф буюрган. Учрашувда С. Саидқосимов мамлакатимизда олиб борилаётган иқтимоий сиёсат ҳақида меҳмонларга атофлича сўзлаб берди. Бозор ислохотларини амалга ошириш жараёнида аҳолининг кам таъминланган қатлами моддий ва маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаш ҳукуматимиз юргизаётган сиёсатнинг асоси эканини таъкидлади. К. Гриффин Ўзбекистонда олиб борилаётган иқтимоий сиёсатнинг яхши натижа бераётганини эътироф этди. Ушбу масалада БМТнинг ўз дастурлари ва қатор тақлифлари мавжуд экани, бу бордада Ўзбекистон билан ҳамкорликни янада кенгайтириш мақсадида мувофиқлигини айтди. Учрашувда БМТнинг Ўзбекистондаги доимий вакили Халид Малик иштирок этди. Шу кuni БМТ миссияси аъзолари республика Бош вазирининг ўринбосари Д. Фуломов билан ҳам учрашдилар. (ЎзА).

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

ЎЗБЕКИСТОН: ИСТИҚЛОЛ ОДИМЛАРИ

«Халқ сузи» ва УЗА муҳбирлари хабар қилдилар.
ЖИЗЗАХДА АНЖУМАН
Жиззахда вилоят халқ таълими бошқармаси ва А. Қодирий номидаги Жиззах давлат педагогика институтини билан ҳамкорликда «Таълим жараёнида сўз бойлигини оширишнинг асосий омиллари» муаммосига бағишланган республика анжумани бўлди.

Унда вилоятлар, Қорақалпоғистон Республикаси, қўшни Тожикистон Республикасининг Ленинобод вилояти университет ва институтлари олимлари иштирок — этди.

ТАҚЧИПЛИК БАРҲАМ ТОПДИ

Янгийўл ёғмай қомбинати ҳиссадорлик жамиятига айлантирилган сўнг маҳсулот турлари анча кўпайди. Айниқса, улар совуни тайёрлашни яхши ўзлаштиришди. Ҳозир ойма 1300 тонна маҳсулот савдо тармоқларига жўнатиляпти. Суратда: оператор У. Ғоиева.

ФАХРИЙЛАР ДАВВАТИ

Фарғона вилоят уруви ва меҳнат фажрийлари ғалабининг 50 йиллиги арафасида мевали даракт ҳамда терак кўчатлари ўтқазиб ташаббуси билан чиқди.

Бу вилоятнинг барча шаҳар ва туманларида маъқулланд, амалий ишга киришилди. Хусусан, Бағдод туманида жамоатчилик йўли билан фажрийлар оромгоҳи яратилмоқда. Қувасой шаҳрида эса «Ғалаба боғи» барпо этилди.

АНДИЖОНЛИКЛАР МЕҲМОНИ

Театрнинг атиги беш актёрдан иборат труппаси кичик-кичик ҳазил сахналарини намойиш этиши орқали томошабинларда инглиз тилига қизиқиш уйғотди.

Буюк Британия парламенти ҳузурда ташкил этилган Лондон театри артистлари андижонлик талабалар ҳузурда меҳмон бўлишди. Улар талабаларнинг Англия тарихи ва маданиятига оид билимларини чуқурлаштиришни ўз олдига мақсад қилиб қўйишган. Бир ярим соатлик томошада ҳеч ким зериккани йўқ, томошабинлар миниатюралар иштирокчисига айланиб, қаҳрамонлар билан бевосита мулоқотда бўлдилар.

ҲАР ТОМОНПАМА ФойДА

Хўжайлидаги «Диллафруз» савдо корхонаси жамоаси МДХ давлатларини ҳаммасбларига қишлоқ ҳўжалик маҳсулотлари етказиб бериб, эвазига кенг халқ истеъмоли моллари олашяпти. Суратда: «Диллафруз» савдо завода.

«ОРЗУ» ДОРИ ТАЙЁРЛАЯПТИ

Ғиждувондаги «Орзу» ишлаб чиқариш фирмаси дори-дармон тайёрлашдек хайрат ишга қўл урди.

Зарур ускуналар маҳсулот айриб ошлар эвазига Украина ва Россиядан келтирилди. Ҳозир фаолият кўрсата бошлаган цехда Новоқанин, Анальгин, Глюкоза сингари саккиз хил дори тайёрланмоқда. Ҳисоб-китобларга кўра, дорилар четдан келтирилатганига нисбатан етти баробар арзон тушапти.

ЯНГИЛИКЛАР * ФАКТЛАР * ВОКЕЛАР

ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ ТОЖИКИСТОНГА ДОИР БАЁНОТИ

Президентлар Н. Назарбоев, А. Акаев ва И. Каримов 1995 йил 14 апрелда Чимкент шаҳрида бўлиб ўтган амалий учрашув чоғида Тожикистон ва Тожикистон-Афғонистон чегарасида юз бераётган назият хусусида фикрлашиб олдилар.

Учрашув иштирокчилари муҳолифатнинг қуролли тузилмалари шу йил 7 апрель кuni содир этган ҳамда одамларнинг қурбон бўлишига олиб келган ҳаракатларини қоралашлар ва Россия, Қозоғистон ҳамда Тожикистоннинг ҳалок бўлган чегарачилари оилаларига чуқур ҳамдардлик билдирдилар.

Давлат бошлиқлари Тожикистон муаммосини бартараф этиш юзасидан илгари МДХ доирасида қабул қилинган қарорларни қўллаб-қувватлаш билан Афғонистон ўртасидаги чегарани ҳамдўстликнинг ташқи чегараси деб ҳисоблаб, Тожикистондаги тангликни фақат сиёсий мулоқот, ўзаро келишувни излаш йўли билангина узиш-кесил ҳал қилиш мумкин, деган яқдил фикрга келдилар.

Учрашув иштирокчилари муҳолифатни Тожикистондаги тангликни ҳал этишнинг ҳарбий ва бошқа зуравонлик ишлатилмаган усуллари билан ҳал қилиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

Марказий Осиёдаги уч давлат Президентлари тожикистоннинг мувофақиятли ўтишига ҳар томонлама қўмақлашишга ва бу жараёни кўлаб-қувватлашга тайёр эканликларини изҳор қилиб, Тожикистон муаммосининг барча жиҳатларини зуравонлик билан эмас, тинч йўл билан кенг қамровли ҳал қилишга эришиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон давлатлари бошлиқлари Тожикистон раҳбариятига тожикистоннинг ўзаро музокаралари жараёнини кучайтиришни, можароли вазиятнинг бартараф этиш учун мумкин бўлган барча воситалардан фойдаланишни тақлиф қилдилар. Шу билан бир вақтда Тожикистон ҳукумати ва муҳолифатта улар ўзаро келишган ҳолда БМТ раҳбарлигида яқин вақт ичида Алматы шаҳрида энг юксак даражада тожикистоннинг ўзаро музокараларининг навбатдаги даврасини ўтказиш тақлиф қилинди.

Марказий Осиёдаги уч давлат Президентлари тожикистоннинг мувофақиятли ўтишига ҳар томонлама қўмақлашишга ва бу жараёни кўлаб-қувватлашга тайёр эканликларини изҳор қилиб, Тожикистон муаммосининг барча жиҳатларини зуравонлик билан эмас, тинч йўл билан кенг қамровли ҳал қилишга эришиш зарурлигини яна бир бор таъкидладилар.

ҚОЗОҒИСТОН, ҚИРҒИЗИСТОН ВА ЎЗБЕКИСТОН ДАВЛАТ БОШЛИҚЛАРИНИНГ УЧРАШУВИ ТУҒРИСИДА АХБОРОТ

1995 йил 14 апрель кuni Чимкент шаҳрида Марказий Осиёдаги уч давлат бошлиқлари — Қозоғистон Республикаси Президенти Н. Назарбоев, Қирғизистон Республикаси Президенти А. Акаев ва Ўзбекистон Республикаси Президенти И. Каримовнинг амалий учрашуви бўлиб ўтди.

Давлат бошлиқлари Марказий Осиё минтақасидаги вазият ҳамда уч мамлакат ўртасидаги муносабатлар билан боғлиқ бир қанча масалалар юзасидан фикрлашиб олдилар.

Президентларнинг музокаралари ўзаро фойдали муносабатларни янада ривожлантириш хусусида бу давлатлар тутган йўлининг бир хиллигини яна бир бор таъкидлади. Учрашув чоғида уч мамлакат ҳамкорлигининг мавжуд имкониятларидан тўла фойдаланишга, Марказий Осиё давлатларининг бир-бирига яқинлашуви жараёнини тезлаштиришга олиб келиш лозим бўлган аниқ ёндашувлар белгилаб олинди.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ягона иқтисодий маконни вужудга келтириш тўғрисидаги шартнома амалга ошириш жараёнининг энг муҳим жиҳатларини қўриб чиқдилар. Шартнома доирасида

ҳамкорликни янада чуқурлаштириш юзасидан аниқ тавсиялар айtilди.

Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси ўртасида 2000 йилга қадар иқтисодий бирлашиш дастури қўриб чиқилди ва маъқулланди, Қозоғистон Республикаси, Қирғизистон Республикаси ва Ўзбекистон Республикаси давлатлараро кенгаши ижроия қўмитасининг, Марказий Осиё ҳамкорлик ва тараққиёт банкнинг ахбороти тинланди.

Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари ягона бож маконини барпо этишга содиқ эканликларини таъкидладилар ва улар Россия Федерацияси, Беларусь Республикаси ва Қозоғистон Республикаси ўртасидаги бож иттифоқи қўшилишга тайёр эканликларини маълум қилдилар, бу Марказий Осиё давлатларининг интеграция жараёнининг муштаҳамлашга интилаётганининг янги далилидир.

Давлат бошлиқлари ўз мамлакатларида кечаётган сиёсий жараёнларни кенг тарихий нуқтаи назардан муҳокама қилдилар. Қирғизистон Президенти А. Акаев билан Ўзбекистон Президенти И. Каримов вужудга келган иқтимоий-сиёсий шароитда

Президент Н. Назарбоев ваколатлари мuddатини узайтириш тўғрисида Референдум ўтказиш юзасидан қарор қабул қилиш энг мақбул йўл бўлиб, ижтимоий барқарорликни таъминлашга, иқтисодий ўзгаришларни Қозоғистон халқининг фаровонлиги ва гуллаб-яшнаши йўлида изчиллик билан, жўшқин ўтказишга хизмат қилади, деб ҳисоблайдилар.

Давлат бошлиқларининг учрашуви уч мамлакат раҳбарларининг мулоқотини давом эттириш зарурлигини, Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлигининг интеграция жараёнини яхши ҳаётдан Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистоннинг ўзаро баҳамжиҳат ҳаракатларини чуқурлаштириш истиқболли эканини яна бир бор таъкидлади.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон раҳбарлари минтақада иқтисодий, сиёсий, ижтимоий соҳалардаги жараёнларнинг ривожланишини таҳлил этиб, ҳозирги вақтда Марказий Осиё давлатлари уюшмасини ташкил қилиш учун муайян ҳуқуқий негиз ва сиёсий шарт-шароит яратилганини қайд этдилар. Минтақадаги барқарорликни таъминлаш мақсадида уч давлат бошлиқлари БМТ раҳбарлигида тинчликпарвар қўллар бирлашган батальонини ту-

зишни мақсадла мувофиқ, деб билдилар ва бу ташаббусни БМТ Бош қотиби Бутрос Ғолий қўллаб-қувватлаётганини мамнуният билан таъкидладилар.

Улар ҳукуматлар ва мудофаа вазирликлари раҳбарларига бундай батальонни тузиш юзасидан аниқ тақлифлар киритишни топиридилар.

Қозоғистон, Қирғизистон ва Ўзбекистон Президентлари Осиёда ўзаро ҳамкорлик ва ишонч талбирлари юзасидан кенгаши қарорини хусусидан Қозоғистон ташаббусини ҳамда Тошкент шаҳрида БМТнинг Марказий Осиёда хавфсизлик ва ҳамкорлик муаммолари бўйича доимий ишлайдиган семинарини барпо этиш тўғрисидаги ташаббусини қўллаб-қувватлашга ва бу тақлифлар халқаро майдонда рўйбга чиқиши учун зарур қўйғайрат сарфлашга аҳд қилдилар.

Томонлар бундан буён ҳам МДХ доирасида фаол сиёсат ўтказиш, минтақада барқарорликни сақлаб туриш, ҳамжиҳатликка ва халқаро ҳамкорликнинг янада ривожланишига эришиш мақсадида Ҳамдўстликни мустақамлашга қўмақлашиш ниятларини изҳор қилди.

Чимкент шаҳри, 1995 йил 14 апрель.

TV ХАФТАЛИК КЎРСАТУВЛАР TV

ДУШАНБА, 17

УзТВ I
17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништирилади:
18.30 Болалар учун. «Кўзминчоқ».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Ёшлик» студияси. «Онамнинг ўғитлари».

«ОМАД» таништирилади:
19.25 «Совга».
19.55 «4/8». Мусиқий кўрсатув.

СЕПАНБА, 18

УзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Плюсчичагаги уч текар». Бадий фильм.
9.30 «Ёшлик» студияси. «Тафаккур».

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун» Ахборот кўрсатуви.
18.10 «Кичкинтой» студияси. «Дано боно даврасида».

УзТВ II
«ОМАД» таништирилади:
18.30 «Мультикарусель».

ПАЙШАНБА, 20

УзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

18.40 «Мультикарусель».
18.55 Очiq мулоқот.
19.35 «Ёшлик» студияси. «Ёшлик оқшоми».

18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шадлод Роза». Телесериал (Мексика).

ЧОРШАНБА, 19

УзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Кўк қуш». Бадий фильм.
9.35 Адиббо сабоқлари.
10.05 «Ўзбекистон гуллаган бор». Телефильм.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Уемирлар учун. «Умид учқуллари».

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништирилади:
18.30 Болалар учун фильм. «Болалар денгизни орзу қилдилар».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Булоқлар кўз очганда».

«ОМАД» таништирилади:
20.15 — 23.15 «СПОРТ ҚИТЪАСИ».

18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шадлод Роза». Телесериал.

УзТВ I

6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

12.30 — 14.00 «Маърифат» видеоанали.

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 «Бугун». Ахборот кўрсатуви.
18.10 Мультифильм.
18.20 «Унутилмас сатрлар».

УзТВ II

«ОМАД» таништирилади:
18.30 «Омад» тақвими.
18.35 «Кўнгул».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.40 «Мультикарусель».
18.55 «Мозийдан ёғдулар».
19.25 «Санта-Барбара».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».
18.00 «Тигиз пайт».
18.20 «Шадлод Роза». Телесериал.

ЖУМА, 21

УзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 Буюк Галабанинг 50 йиллигига. «Урушнинг тўртинчи йили эди...» Бадий фильм.

«ОМАД» таништирилади:
9.25 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».

УзТВ II

«Тошкент» студияси таништирилади:
18.30 Болалар учун. «Табасум».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
10.00 «Умид» (уйғур тилида).

таништирилади:
18.30 «Еш созандалар чалади».

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

18.55 «Тадбиркорлик мактаби».

«ОМАД» таништирилади:

20.15 «Панорама».
20.45 «Кимга қанақа?».

ТЕЛЕКАНАЛИ

5.00 — 8.00 «Телетонг».
17.55 «Бомонд».

ШАНБА, 22

УзТВ I
6.00 — 8.00 «Ассалом, Ўзбекистон!» Тонгги дам олиш кўрсатуви.

8.00 «Егорка». Бадий фильм.
9.05 Буюк Галабанинг 50 йиллигига.

УзТВ II

«ОМАД» таништирилади:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгул».

УзТВ III

«ОМАД» таништирилади:
9.00 «Жаҳон ҳайвонот боғлари».

УзТВ II

«ОМАД» таништирилади:
9.45 Янгиликлар.

УзТВ III

ХАЛҚАРО ТЕЛЕКАНАЛ
9.00 Мультифильм.

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 «Кумуш шар». Л. Суҳаревская. Кўрсатуви В. Вульф олиб борди.

19.25 «Интердиалог».
20.05 «Ихтиролар ва кашфиётлар».

УзТВ I

8.00 «Кувноқ стартлар».
9.00 «Аралаш». Ҳажий киножурнал.

УзТВ II

«ОМАД» таништирилади:
19.05 «Ойнаи жаҳонда».

УзТВ III

17.55 Кўрсатувлар тартиби.
18.00 Мультифильм.
18.15 Мактаб ўқувчилари учун.

УзТВ II

«ОМАД» таништирилади:
10.00 «Омад» тақвими.
10.05 «Кўнгул».

УзТВ III

17.00 «Совга».
17.30 «4/8». Мусиқий кўрсатув.

УзТВ I

17.50 Жаҳон географияси.
18.40 Ўзлонлар.
18.45 Видео — «О».

УзТВ II

17.10 — 18.40 Туркия телевидениеси.

УзТВ III

18.40 «Мамлакатлар, воқеалар, одамлар».

«ОСТАНКИНО» ТЕЛЕКАНАЛИ

18.05 «Кумуш шар». Л. Суҳаревская. Кўрсатуви В. Вульф олиб борди.

АҲОЛИ ДИҚҚАТИГА!
5 апрелдан бошлаб фойдаланилган электр қуввати учун янги тариф - 1 кВт-соат учун - 30 тийин.
Электр ишталарида / газ ишталари ёрмига / фойдаланаётган фуқаролар учун тариф 50 фроз, яъни 1 кВт-соат учун - 15 тийин.

ТАШКИЛОТ ВА КОРХОНА РАҲБАРЛАРИ ЭЪТИБОРИГА!
1995 йил 5 апрелдан эътиборан фойдаланилган электр қувватига ҳақ тўлаш учун янги тарифлар жорий қилинди.
Ҳамма ташкилот ва корхоналар тарифларни электр тармоқларининг туман ва шаҳар корхоналаридан, "Ўзэнергоназорат" дан олсинлар ва шартнома тузиш чоғида ушбу эълонни инобатга олсинлар "Ўзэнергоназорат"

САВДО УЙИ TRADING HOUSE
"Диёр" савдо уйига юқори сифатли ва мақбул нархларда янги моллар келди.
Италия, Сингапур, Малайзия, Сурия, Болгарияда тайёрланган мебеллар - меҳмонхона, овқатхона, ётоқхона ва ошхона гарнитурлари, юмшоқ мебеллар тўплами, сервантлар, бурчакли юмшоқ мебеллар, ошхона мебелари тўплами, столлар, стуллар, суянчиқли юмшоқ курсилар, шунингдек ҳар хил гилам ва гилам буюмлари.

ТАШКИЛОТ СОТАДИ:
— шиша идишларга вино ва ароқ қуядиган линия;
— ёрлиқ ёпиштирадиган автомат;
— вино қуйишда ишлатиладиган насос.
Тел.: кундузи — 32-07-80, кечқурун — 79-76-72, 90-38-20, 76-99-90.

«Ўзбектуризм» миллий компанияси бошқаруви жамоаси, қасаба уюшмаси «Ўзбектуризм» миллий компаниясининг республика ўқув-ишлаб чиқариш маъмурият-директори Луғтулло Тулаганова падари бузуқкор АБДУҒОБУР отагани вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.
«Ўзбектуризм» миллий компанияси бош қўв-ишлаб чиқариш маъмурият-директори Л. Тулаганова отаси АБДУҒОБУР ТУЛАГАНОВнинг вафот этганини муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

